

Қулматов.А.А.Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети доценти

ЭКОЛОГИК ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Бугунги кунда дунё мамлакатларида «Иқтисодиётни экологиялаштириш» жараёни экологик тадбиркорликни ривожлантиришга кучли туртки сифатида амалга ошмоқда. Бу тушунча экологик қарзлар, экологик суғурталаш, экологик туризм каби иқтисодий тушунчалар қаторидан жой олади.

Иқтисодиётни экологиялаштириш¹ ободонлаштириш вазифалари ва юқори технологияларнинг узвий бирикиши сифатида республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг замонавий моделини қуришда янгича ёндашув ҳисобланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) 1990 йилда экологик тоза маҳсулотлар ва хизматлар жаҳон бозорини 200 млрд. АҚШ доллариغا, 2000 йилда эса 300 млрд. АҚШ доллариغا тенг қийматга баҳолади. Жумладан, АҚШда 1992 йилда 80 млрд. долларлик, Японияда 30 млрд. долларлик, Германияда 27 млрд. долларлик табиатни муҳофаза қилиш ускуналари ишлаб чиқарилди. Ҳозирги вақтда жаҳонда йилига 700 млрд. АҚШ долларида ортиқ табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда².

Ривожланган мамлакатлар ташқи савдоси ҳажмида экологик секторнинг салмоғи 1% дан 4% гача қисмини, табиатни муҳофаза қилиш технологиялари ва ускуналари савдосининг ўсиш суръатлари эса йилига 10% ва ундан ортиқни ташкил этади.

Канадада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва у билан боғлиқ хизматлар учун ускуна-

лар чиқарадиган 2500 дан ортиқ компаниялар фаолият кўрсатади. Уларда 110 мингдан ортиқ киши ишлайди. Германияда тадбиркорларнинг 85%и ўз фаолиятларида экологик жиҳатларни ҳисобга олиб иш юритадилар.

Ҳозирда республикамиз иқтисодчилари ва файласуфларининг олдида иқтисодиётни экологиялаштириш илмий назариясини ишлаб чиқиш ва республика шароитидаги ўрни ва ролини аниқлаш вазифаси турибди. Бу ерда экологик концепциянинг фақат иккита таркибий қисмини кўриб чиқамиз: импорт ўрнини босиш ва замонавий экспортни ривожлантириш дастури. Ҳар икки дастурни бир вазифанинг икки томони сифатида қараш зарур. Экологик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, умуман, республика иқтисодиётини ривожлантириш локомотиви сифатида чиқиши мумкин.

Импорт ўрнини босиш дастури. Атроф-муҳитни бошқариш мутахассислар олдида Ўзбекистон иқтисодиётини экологик хавфсиз ривожланиш йўлига ўтказиш бўйича муҳим халқ хўжалиги вазифасини қўймоқда. Атроф-муҳитни соғломлаштиришга инвестициялар республикани жаҳон иқтисодиётига интеграциялаш ва бозор муносабатларини ривожлантириш механизмларини тушуниш ва баҳолашда муҳим роль ўйнайди.

Бироқ ўтган давр давомида инвестициялаш ишлари бўйича мамлакат ҳаётида ва жаҳонда муҳим ўзгаришлар юз берди. Халқаро таш-

¹ Экологик нуқтаи назардан, соф маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитга зиён етказмайдиган ускуналарни қўллаш (таҳр.)

² Обзор деятельности по охране окружающей среды. Российская Федерация. ОЭСР. Париж, 1999.

килотлар кредитлари билан боғлиқ таъминланган инвестициялар, ўз моҳиятига кўра, республика ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадларига жавоб беради ва экологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Ғарбдаги ҳамкорларимизни жаҳондаги ва республикадаги экологик вазият ташвишлантирмоқда. Ҳар қандай кредит, энг аввало, ишлаб чиқарувчи экспортерга фойдалидир: иқтисодийнинг барқарор ривожланиши, юқори нарх белгилаш, кафолатли сотиш, кредит ва у бўйича фоизларнинг кафолатланган қайтими, шулар жумласидандир.

Россия экологик хавфсизлик Миллий Қўмитаси «Машинаэкспорт» Ташқи иқтисодий бирлашмаси томонидан олиб борилган, экологик маҳсулот, шу жумладан, замонавий тозалаш технологияларидан фойдаланадиган сув тозалаш ускуналари (механик, ионалмашинувли, нанофилтрлаш, зарарсизлантириш ва ҳ.к.) ҳамда турли табиат чиқиндиларини қайта ишлаш ускуналари (хўжалик-маиший, саноат) экспорт-импорт оқимларининг таркибий маркетинг таҳлилининг кўрсатишича, Россияга шу каби ускуналар импортининг юқори ҳажми шароитида бундай маҳсулотларнинг экспорти импортидан кўп бўлмоқда.

Бунда Ғарбий Европа ва Болтиқ бўйи мамлакатларининг бир вақтнинг ўзида экспортерлар ва импортерлар ҳисобланиши тенденцияси яққол кузатилмоқда. Бошқача айтганда, Ғарбдаги истеъмолчи-компаниялар академик (фундаментал) изланишлар асосида вужудга келган замонавий технологияларга устуворлик бермоқдалар. Шу билан бир вақтда, хорижий ишлаб чиқарувчи компаниялар агрессив рекламадан фойдаланиб, МДҲ малакатлари бозорининг деярли ярмини забт этдилар. «Сифат-нарх» ва «бозор ишончидоимийлик-сервис» кўрсаткичлари бўйича мамлакатлар экологик маҳсулотларининг устунлиги баҳоланиб борилмоқда.

Россияда Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ХТТБ)нинг лойиҳаси умумий молиявий ҳажмининг 70% и ҳажмида товар кредити кўринишида ва 30% ини ўз маблағлари ва корхоналарнинг иштироки кўринишида кредитлашни кўзда тутадиган инвестиция дастури амалга оширилмоқда. Республикада ҳам экологик маҳсулотлар импортининг ўрнини босиш ва миллий ишлаб

чиқарувчиларни амалда қўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Экологик технологиялар билан боғлиқ республика бозори сегменти иқтисодийнинг бошқа тармоқларига нисбатан унча ривожланмаган ҳолатда турибди. Бунинг бир қанча объектив сабаблари мавжуд:

- бу борадаги илмий изланишларнинг етарли эмаслиги;
- кўплаб инвестиция дастурларининг экологик муаммоларни ҳал қилишга мақсадли йўналтирилмаганлиги;
- корхоналарни комфорт шароитларга қўядиган ва ривожланиш имкониятини берадиган солиқларнинг маълум даражаси (солиққа тортиш тизимининг рағбатлантирувчилик роли масаласи);
- халқаро савдода атроф-муҳитни соғломлаштириш учун ускуналарга чекловларнинг йўқлиги.

Корхоналарга мўлжалланган мана шу инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Вужудга келган вазиятдан чиқиш чорасини икки йўналишда амалга ошириш мумкин. Биринчиси – ХТТБ, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби халқаро ташкилотлар кредит линияларини экологик тадбиркорликнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган товарлар – тозалаш, зарарсизлантириш ускуналари ва ҳ.к.ларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ даромад топишга қаратилган фаолиятини ривожлантиришга йўналтириш лозим. Чунки бу соҳадаги тадбиркорлик катта маблағ талаб қилади, бу маблағлар эса тадбиркорларда аксарият ҳолларда мавжуд бўлмайдди. Мазкур вазиятда давлат ва халқаро молия ташкилотлари маблағларига таяниш лозим бўлади.

Кредитни товар шаклида жалб қилиш амалиётини бизнинг шароитда ҳам қўллаш муҳимдир. Республика ишлаб чиқарувчиларини хорижий импортерлар билан тенг шароитларда технологик ускуналар етказиб берувчилар рўйхатига киритиш зарур. Барча мезонлар, жумладан, «сифат-нарх» мезонини ҳам ҳисобга оладиган, республика экспертлари билан биргаликда ўтказиладиган объектив тендер йўли билангина республикага эскирган технологияларнинг «оқиб кириши»га йўл қўйилмайди.

Иккинчи йўналиш минтақавий коммунал хўжалик корхоналари, масалан, маҳаллий сув каналлари ва энерготизимлар активларидан фойдаланиш йўли билан Ўзбекистон иқтисодиётини экологиялаштириш масалаларини ҳал қилиш учун ички инвестиция ресурсларини ҳаракатлантиришдан иборат.

Мазкур ёндашувнинг мазмуни сув каналлари (энергия тизимлари) дебиторлик қарздорлигини реструктуризациялаш ва бу ифлосланган, паст ликвидли активларни минтақавий экологик хусусиятларни ҳисобга олиб ва юқори технологиялардан фойдаланиб, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва аҳоли турмуш таъминотини ташкил қилишнинг ягона минтақавий юқори даромадли лойиҳасига трансформациялашдан иборат. Бу минтақага (шаҳар, вилоят, ўлкага) экологик, иқтисодий ва сиёсий муаммолар мажмуини қуйидагилар ҳисобига ҳал қилиш имконини беради:

- турмушни таъминлаш, масалан, сувни тайёрлаш ва оқаваларни қайта ишлаш масалаларида ягона инвестиция сиёсатини олиб бориш;
- минтақа саноат корхоналари, шу жумладан, инвестиция дастурининг барча иштирокчилари учун тозалаш қурилмаларини реконструкциялаш ва қуришни амалга ошириш;
- сув каналлари ва энергия тизимлари дебиторлик қарзларини маъмурий-ҳудудий бирликлар ва минтақаларнинг бюджет ҳосил қилувчи тузилмалари сифатида белгилаш;
- солиққа тортиладиган базани кўпайтириш;
- минтақада ишчи ўринларини кўпайтириш;
- минтақада ишлаб чиқарилаётган экологик характердаги маиший маҳсулотлар савдоси орқали аҳоли орасида экологик истеъмол маданиятини ошириш.

Ушбу ёндашув ишлаб чиқариш майдони ва сув таъминоти муниципал корхоналарининг бошқа активларидан фойдаланиб, шаҳарлар учун инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш орқали қамраб олиниши лозим. Лойиҳанинг амалга оширилиши бир неча ўн миллион АҚШ долларига тенг бўлган маблағларнинг шаҳарлар иқтисодиётидан четга чиқиб кетишини тўхтатиб қолади. Ҳар қандай саноат

туманида инвестиция лойиҳасини шу тариқа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин.

Замонавий экспорт стратегияси. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон экспорти ҳажмининг ўсиши иқтисодиёт реал сектори ва молиявий бозорни соғломлаштиришнинг биринчи даражали омилларидан бири ҳисобланади. Экологик характердаги маҳсулотлар экспорти жаҳон бозорларида кўпроқ талаб қилинган ҳолда айланма маблағларни жалб қилиш манбаи ҳисобланади, ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантиради, республика корпоратив қимматли қоғозларининг биржадан ташқари ва биржа фонд бозорларида ҳаракатланиши учун қулай шароитлар яратади, яъни республикада қулай инвестиция муҳитини таъминлайди.

Республика саноати ташқи бозорларда актив мавқега эга бўлиши учун давлат томонидан қўллаб-қувватланиши керак. Аммо динамик равишда ўзгариб бораётган дунёдаги иқтисодий тақчиллик ва республика миллий саноатининг халқаро бозорларда бўлиш имконини берадиган шароитлар доимо вужудга келади. Ўзбекистоннинг халқаро бозорлардаги иқтисодий ролини ошириш орқали амалга ошириладиган фаол экспорт сиёсатигина вужудга келган аҳволни тубдан ўзгартириши мумкин. Бу республика янги экспорт стратегиясининг мазмунини ташкил этади.

Республикада экологик характердаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг Лотин Америкаси, Яқин Шарқ, Африка, Жануби-Шарқий Осиёнинг ривожланаётган минтақалари таркибий бозорларидан ажралиб қолиши учун объектив равишда барча шарт-шароитлар мавжуд. Дунё минтақалари аҳолисининг паст харидорлик лаёқатини ҳисобга олиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиз:

- республиканинг экологик маҳсулотлари ривожланган мамлакатларнинг шундай маҳсулотларидан арзонга тушади;
- бу маҳсулот кундалик фойдаланишда қўшимча сервис хизматларига муҳтож эмас;
- кўпчилик учинчи дунё мамлакатларидаги мавжуд юқори бўлмаган техник-технологик, экологик ва эстетик меъёрлар республика ишлаб чиқарувчиларига маҳсулот ва хизмат-

ларга бўлган эҳтиёжни мустақил шакллантириш имконини беради.

Барча санаб ўтилган тўсиқларни енгиб ўтиш учун иқтисодий экспансиясиз, тўғри танлов зарурдир. Барча иқтисодий чоралар минтақа ичкарасида амалга оширилиши керак. Бундай чораларнинг асосини қуйидагилар ташкил қилиши лозим:

- ишбилармонлик ҳамкорлиги маркази (экспомарказ) – маркетинг, реклама орқали қўллаб-қувватлаш, буюртмаларни жойлаштиришни таъминлайдиган илмталаб технологиялар ва саноат маҳсулоти намуналарининг доимий амал қилувчи кўргазмаси;

- экспорт битимларининг бажарилишини кафолатлайдиган тижорат банки;

- қизиқиш уйғотувчи бозорларда доимий ахборот иштирокини таъминлайдиган телекоммуникацион марказ;

- экспорт битимларининг узлуксиз бажарилишини таъминлайдиган сервис ва кафолатли хизмат кўрсатиш марказлари, эҳтиёт қисмлар омборлари;

- юқори минтақавий божхона божларининг ҳуқуқий юритилишини таъминлайдиган ишлаб чиқариш-йиғув участкалари.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон иқтисодиёти реал секторига тўғридан-тўғри ва билвосита инвестицияларнинг кириб бориши учун қулай инвестиция муҳитини яратади. Республиканинг янги, замонавий экспорт стратегиясини яратиш вазифаси давлат даражасидаги вазифа ҳисобланади ва уни ҳал қилиш учун давлатнинг бевосита қўллаб-қувватлаши объектив зарурият ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Глобализация мирового хозяйства и национальные интересы России. – М.: 2002.
2. Нарушение экологических прав граждан в России. Материалы к Докладу Уполномоченного по правам человека в Российской Федерации. – Челябинск, 2002.
3. Обзор деятельности по охране окружающей среды. Российская Федерация. ОЭСР. Париж, 1999.
4. Уткин А.И. Глобализация: процесс и осмысление. – М.: 2001.
5. Экология и нарушение прав человека. Специальный доклад Уполномоченного по правам человека в Российской Федерации. – М.: 2002.